

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил “28” февралдаги
5- сон қарорига
ИЛОВА

**Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
ҳажмини шакллантириш бўйича услубий қўлланма**

Ушбу услубий қўлланма асосий капиталга ўзлаштирилган **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўрсаткичларининг** статистик ҳисобини сифатли юритиш ҳамда мазкур инвестициялар тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилаб беради.

Услубий қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Миллий ҳисоблар тизими-2008, Халқаро инвестиция ҳолати ва тўлов баланси бўйича йўриқнома таърифларидан фойдаланилди.

Мазкур услубий қўлланма, давлат статистика органлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар умумий ҳажми бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий қўлланмада қуйидаги асосий тушунча ва таърифлар қўлланилади:
инвестициялар - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялардир;

асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар - янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради;

инвестор - фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар - тўғридан-тўғри хорижий инвестор, яъни ташкилотнинг тўлиқ ёки устав капиталининг 10 фоиз ва ундан кўпроқ улушига ҳамда ташкилот бошқарувида қатнашиш ҳуқуқига эга юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилган инвестициялардир;

реинвестициялар - инвестициялардан олинган, тадбиркорлик фаолияти ва бошқа

фаолият турлари объектларига киритиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техник ёрдам, техник хизматлар учун тўловлар ва ҳақларнинг бошқа турлари;

2. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларининг статистик ҳисоби

2. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига, иқтисодий фаолиятнинг барча турларидаги бир мамлакатнинг резиденти бошқа мамлакат резиденти устидан назорат қилувчи ёки сезиларли даражада таъсир кўрсата олувчи шахслар томонидан амалган оширилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши киради.

3. Ўзи жойлашмаган ҳудудда ёки икки ва ундан ортиқ ҳудудларда амалга оширилган инвестициялар ҳажми, инвестиция объекти жойлашган ҳудудлар бўйича ҳисоб - китоб қилинади.

4. Асосий капиталга тўғридан - тўғри хорижий инвестициялар янги ва импорт орқали харид қилинган асосий воситалар, жумладан, уларнинг бошланғич қийматини оширишга олиб келадиган янги қурилиш, кенгайтириш, объектларни реконструкция ва модернизация қилиш учун кетган харажатлар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, геологик қидирув ишларига, асосий чорвани шакллантиришга ва кўп йиллик ўсимликларни ўтказишга кетган харажатлардан ташкил топади. Шунингдек, мазкур кўрсаткич, техник ва ҳайрия ёрдами, таъсисчиларнинг асосий восита сифатидаги бадаллари, интеллектуал мулкчилик объектларига ва интеллектуал фаолият маҳсулотларига инвестицияларни ҳам ўз ичига олади.

5. Қурилиш ва лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари (тўлов муддатидан қатъий назар) ҳақиқатда бажарилган (ишлаб чиқарилган) ишлар ҳажми ўлчамида ҳисобга олинади. Машина ва ускуналар (монтаж талаб қилувчи ва талаб қилинмайдиган), транспорт воситалари ва бошқа асосий воситаларни харид қилишга кетган харажатлар, ҳақиқатда сотиб олинган қийматда (божхона тўловлари ва йиғимлари, воситачи ташкилотлар хизмати, транспорт ва тайёрлаш-омбор харажатларини қўшган ҳолда) белгиланган манзилга тушгандан сўнг ва асосий воситаларни олди-сотди далолатномасига асосланиб, буюртмачи (қабул қилувчи) томонидан кирим қилингандан сўнг ҳамда импорт ускуна сотиб олинган ҳолатда эса – мулкдор ўзгарган вақтдан сўнг (шартнома шартларига асосан) ҳисобга олинади.

6. Узоқ циклли ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқарувчилар томонидан оралик ҳисоб ишларини талаб қиладиган асбоб-ускуналар учун тўлов шакли, буюртмачи томонидан асбоб-ускуна қисмларининг тайёр бўлганлик даражаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

7. Асосий капиталга тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларнинг технологик таркибига кўра қуйидаги ишлар ва харажатлар қиймати бўйича ажратилади:

- а) қурилиш ишларининг барча турлари ва ускуналарни монтаж қилишга;
- б) ускуналар (монтаж талаб қиладиган ва қилмайдиган), асбоблар, инвентарлар (қурилиш қийматига кирадиган ва кирмайдиган), қурилиш қийматига кирмайдиган ва қурилишга алоқадор бўлмаган машина ва ускуналар сотиб олишга;
- в) бошқа капитал ишлар ва харажатларга.

8. Асосий капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- а) янги қурилиш;
- б) кенгайтириш, реконструкция, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш;
- в) бошқа йўналишлар - геологик кидирув ишлари, нефт, газ ва термал сувлардан фойдаланиш учун бурғулаш ишлари, келгуси йиллар қурилиши учун лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш билан боғлиқ бўлмаган ва қурилиш (янги қурилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта қурулантириш, модернизациялаш) сметасига киритилмаган машиналар асбоб ускуналар, инвентарларни сотиб олишга кетган харажатлар акс эттирилади.

9. Асосий капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодий фаолият турлари бўйича амалдаги иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи ИФУТ-2га асосан тақсимланади.

3. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобини юритишнинг маълумотлар манбаи

10. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

- а) чораклик маълумотлар:
 - 2-invest shakli (чораклик) “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - қурилиш хўжалик бошқарув органларини қўшган ҳолда барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлардан, нотижорат ташкилотлардан ташқари) томонидан тақдим этилади;
 - 1-ID shakli (чораклик) “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот” - юридик шахслар – инвестиция лойиҳаси ижрочилари (ташаббускорлари) томонидан тақдим этилади.
- б) йиллик маълумотлар:
 - 2-invest shakli (йиллик) “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - қурилиш хўжалик бошқарув

органларини қўшган ҳолда барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар (кичик корхоналар, микрофирмалардан ташқари) томонидан тақдим этилади;

- 1-КВ shakli (йиллик) “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” - микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тақдим этилади.

4. Статистика ҳисоботларида акс эттирилган асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўрсаткичларини мантиқий солиштириш таҳлили

11. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми, хорижий капитал иштирокидаги барча турдаги корхона ва ташкилотлар ҳисоботлари асосида шакллантирилади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) асосида мулкчилик шакли коди 161 - Қўшма корхоналар мулки, 162 - Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мулки ва 163 - Хорижий юридик шахслар (филиаллар ва хорижий фирмалар бўлимлари) мулки бўлган корхоналардан ташкил топади.

Корхона ва ташкилотлар устав капиталига ҳисобот йилида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кирган, аммо КТЯДРга тегишли тузатишлар киритилмаган ҳолатда, корхона ва ташкилотлар билан статистик тамойилларга асосланиб, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали бевосита боғланган ҳолда маълумотлар аниқлаштирилади ва киритилади.

12. Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажмининг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Марказий банки маълумотлари билан корхона ва ташкилотлар кесимида таққослаш ишлари ўтказилади.

Мазкур ҳолатда, янги, яъни охириги икки йил давомида ташкил этилган корхона ва ташкилотлар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар, корхонанинг устав капиталига хориждан пул кўринишида кириб келган бўлса, Марказий банк маълумотларида, моддий активлар кўринишида кириб келган бўлса, Давлат божхона қўмитаси маълумотларида акс эттирилганлиги текширилади.

13. Йиллар мобайнида фаолият юритиб келаётган хорижий капитал иштирокидаги йирик корхона ва ташкилотлар бўйича, Марказий банк ва Давлат божхона қўмитаси маълумотларида тегишли кўрсаткичлар бўлмаса, 2-invest (чораклик) статистика ҳисоботи асосида реинвестициялар акс эттирилганлиги текширилади. Кичик тадбиркорлик субъектлари бўйича реинвестициялар 1-КВ (йиллик) статистика ҳисоботи асосида аниқланади.

14. 1-ID (чораклик) статистика ҳисоботида акс эттирилган кўрсаткичлар, 1-invest (чораклик) “Ўзбекистон Республикасига чет элдан киритилган инвестициялар ва Ўзбекистон Республикасидан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот”ида акс эттирилган кўрсаткичлар билан солиштирилади. Бунда 1-ID ҳисоботи бўйича ўзлаштирилган инвестициялар, жорий ҳисобот даврида ҳисобот тақдим этган корхона капиталига хориждан келиб тушган бўлса, 1-invest ҳисоботида акс эттирилганлиги текширилади.

15. Йил якунлари бўйича маълумотлар шакллантирилаётганда 1-ID (чораклик) статистика ҳисоботи асосида олинган тезкор маълумотлар 1-KB (йиллик) статистика ҳисоботи маълумотлари билан таққосланади.

16. Таққослаш ва текшириш натижаларига кўра асосий капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилганлиги тасдиқланмаса, яъни:

- бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестициялар ўзлаштирилганлиги;
- хорижий капитал Ўзбекистон Республикасига кириб келган, аммо ўзлаштирилмаганлиги;
- хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига хориждан кириб келган моддий активлар, асосий воситалар қийматини оширмайдиган хом-ашё, эҳтиёт қисмлар ёки сотиш учун мўлжалланган товарлар эканлиги аниқланса, ҳисобот маълумотлари жамланма ҳисоб-китобларга киритилмайди.

Таққослаш ва текшириш ишлари намунаси 1- иловада келтирилган.

5. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмини шакллантириш

17. Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми, йиллик ва чораклик даврийликда, миллий валютада ва АҚШ долларида, ҳудудлар, инвестор мамлакатлар ва иқтисодий фаолият турлари кесимида шакллантирилади. Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ҳисоблаш ва эълон қилиш механизми 2-иловада келтирилган.

18. Мазкур кўрсаткич, жами асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида акс эттирилади.

**“Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри
хорижий инвестициялар ҳажмини шакллантириш
бўйича услубий қўлланма”га**

1- ИЛОВА

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисида маълумотларни таққослаш ва текшириш ишлари
намунаси**

минг. АҚШ долл

Т/р	Лойиҳа ташаббускори номи	КТЯДР маълумотлари		Жами асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Марказий банк маълумотлари: хориждан келиб тушган инвестициялар	Давлат божхона қўмитаси маълумотлари: импорт қилинган машина ва ускуналар	Реинвести- циялар	Изоҳ
		Мулкчилик шакли коди	Корхона ташқил этилган йил					
1	"Example" MChJ	161	2018й.	10 000	5 000	5 000	-	Тўғри <i>корхона устав капиталига хорижий инвестор пул ва машина-ускуна қўринишида капитал киритмоқда</i>
2	"Example_1" MChJ	161	2006й.	5 000	-	-	5 000	Тўғри <i>корхона реинвестициялар ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштирамоқда</i>
3	"Example_2" MChJ	100	2006й.	7 000	-	-	-	Нотўғри <i>корхона ўз маблағлари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштирамоқда</i>
4	"Example_3" MChJ	100	2019й.	12 000	12 000	-	-	Тўғри <i>корхона қўшма корхонага айланмоқда, Адлия вазирлигидан тез кунларда қайта рўйхатдан ўтади</i>
5	"Example_4" MChJ	100	2007й.	3 000	-	3000	-	Нотўғри <i>корхонаниг ўз маблағлари ҳисобидан импорт қилинган</i>
6	"Example_5" MChJ	161	2016й.	8 000	-	8 000	-	Нотўғри <i>корхона томонидан хом-ашё импорт қилинган</i>
...								

**“Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри
хорижий инвестициялар ҳажмини шакллантириш
бўйича услубий қўлланма”га**

2 - ИЛОВА

Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ҳисоблаш ва эълон қилиш

МЕХАНИЗМИ

	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Масъуллар	Муддати
I-босқич	Электрон давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш	1. Инвестиция дастурига кирган лойиҳа ташаббускорлари рўйхатини шакллантириш ва электрон ҳисоботларни қабул қилиш; 2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестиция ва ташқи савдо вилоят бошқармалари томонидан тақдим этиладиган қўшимча ҳудудий лойиҳалар рўйхатини шакллантириш ва электрон ҳисоботларни қабул қилиш.	Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай
II-босқич	Ҳисобот маълумотларини ҳудудларда бирламчи таҳлил қилиш	1. Ҳисобот маълумотларини Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси ва Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлари билан солиштириш; 2. Корхоналар билан телефон воситасида боғланган ҳолда аниқлаштириш олиб бориш; 3. Ўтган давр ва бошқа тегишли ҳисобот маълумотлари билан таққослаш.	Ҳудудий статистика бошқармалари	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 6-санасидан кечиктирмай
III-босқич	Барча инвестиция лойиҳалари бўйича ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш	1. Йиғма маълумотларни Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси ва Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлари билан қайта солиштириш; 2. Зарур ҳолларда корхоналар билан телефон воситасида боғланган ҳолда аниқлаштириш олиб бориш; 3. Йиғма маълумотларни ўтган давр ва бошқа тегишли ҳисобот маълумотлари билан таққослаш; 4. Номувофикликлар аниқланган ҳолатда, ҳудудий бошқармалар билан муаммоларни ҳал қилиш.	Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-санасидан кечиктирмай
IV-босқич	Жамланма маълумотларни тайёрлаш ва эълон қилиш	1. Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган таҳлилий жадвал ва бюллетенларни тайёрлаш ҳамда тегишли фойдаланувчиларга тақдим этиш ва Қўмита расмий сайтида эълон қилиш; 2. Бошқа фойдаланувчилар сўровига асосан маълумотлар тайёрлаш ва тақдим этиш.	Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 12 куни